



JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI HOKIMI QARORI

2021 - yil 15 - oktabr

105-3-43-Q/21

Arnasoy tuman hokimligi

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 сентябрдаги 156-3-0-Q/21-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 601-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармони ва 2021 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4975-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-,6-ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОП ҚИЛАМАН :

1. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 сентябрдаги 156-3-0-Q/21-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 601-сонли қарори билан:
 - а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий

хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6159-сонли Фармоннинг 4-илоvasида кўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг бино ва иншоотларни сақлаш, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлари ҳисобидан молиялаштириш белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4975-сонли қарорига мувофиқ илмий-тадқиқот ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатларини 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш белгиланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари тузилмаларининг иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Х.Азизов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким



Х.Алимарданов